



ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН САЛОҲИЯТНИ САМАРАЛИ БАҲОЛАШ

PhD, доц. Усманова Зумрад

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0006-0283-9645

usmanovazumrad793@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада туристик-рекреацион хизматларнинг иқтисодий моҳияти, таркибий хусусиятлари, миллий иқтисодиёт тизимидаги ўрни илмий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда шу билан биргаликда туристик салоҳиятнинг юқори кўрсаткичларига қарамасдан мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига унинг таъсири анча паст эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон туристик-рекреацион салоҳиятини миллий ҳисоботлар тизимининг меъёрларида тармоқлараро ва халқаро таққослаш имконини берадиган баҳолаш методларини амалга ошириш туризм соҳасида долзарб масала эканлиги бўйича таклиф ва мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: туристик-рекреацион хизматлар, туристик оқим, туристик маҳсулот, диверсификация, тўлов баланси, экспорт-импорт операция, туристик салоҳият.

ЭФФЕКТИВНАЯ ОЦЕНКА КОМПЕТЕНЦИИ В ОБЛАСТИ ТУРИЗМА И РЕКРЕАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

PhD, доц. Усманова Зумрад

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье проводится научный анализ экономической сущности, структурных особенностей и роли туристических и рекреационных услуг в национальной экономической системе, при этом особое внимание уделяется тому факту, что, несмотря на высокие показатели туристического потенциала, его влияние на экономическое развитие страны достаточно низкое. Предлагаются и рассматриваются вопросы внедрения методов оценки, позволяющих проводить межотраслевое и международное сравнение туристического и рекреационного потенциала Узбекистана в рамках национальной системы отчетности, что является актуальной проблемой в туристическом секторе.

Ключевые слова: туристическо-рекреационные услуги, туристический поток, туристический продукт, диверсификация, платежный баланс, экспортно-импортные операции, туристический потенциал.

EFFECTIVE ASSESSMENT OF COMPETENCE IN THE FIELD OF TOURISM AND RECREATION IN UZBEKISTAN

PhD, assoc. prof. **Usmanova Zumrad**
Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. *This article provides a scientific analysis of the economic essence, structural features, and role of tourism and recreational services in the national economic system, focusing on the fact that, despite the high tourism potential, its impact on the country's economic development is relatively low. The article proposes and discusses the implementation of assessment methods that allow for cross-sector and international comparisons of Uzbekistan's tourism and recreational potential within the national reporting system, a pressing issue in the tourism sector.*

Keywords: *tourism and recreational services, tourist flow, tourism product, diversification, balance of payments, export-import operations, tourism potential.*

Кириш.

Глобаллашув жараёнлари ва жаҳон туристик индустриясининг трансформацияси шароитида ҳудудларнинг туристик-рекреацион салоҳиятини илмий асосланган ёндашувлар асосида баҳолаш масаласи барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тарихий-маданий мерос объектларининг юқори концентрацияси ва бой рекреацион ресурслар мавжудлиги билан тавсифланадиган Ўзбекистон Республикаси учун туристик-рекреацион ресурсларни комплекс баҳолашнинг самарали методларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб илмий-амалий вазифалардан ҳисобланади.

Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказилиши, шунингдек унинг тарихий маркази ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилгани ҳудуднинг халқаро миқёсдаги туристик-маданий аҳамияти ортиб бораётганининг яққол ифодасидир. Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган фикрларда Самарқанднинг цивилизациялар мулоқоти, барқарорлик ва глобал ҳамкорлик маркази сифатидаги ўрни алоҳида таъкидланди. Мазкур ёндашув шаҳарнинг жаҳон туристик дестинациялари тизимидаги позициясини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Жаҳон ҳўжалигининг глобаллашуви ва интеграциялашуви кучайиб бораётган бир даврда туризм тушунчасининг моҳиятини тўғри талқин этиш ва унинг моҳиятини тўғри англаб етиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Бу ҳақда хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикри турли-туман бўлиб, турлича қараш ва концепциялар мавжуд.

Россиялик иқтисодчи олим Винокуров (2004) туризмга “Туризм бу – ҳордиқ чиқариш, даволаниш, спорт билан шуғулланиш, зиёрат қилиш, бизнес қилиш мақсадида инсон томонидан бўш вақтда амалга ошириладиган саёҳатдир” деб таъриф берган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Тўхлиевнинг (2010) таърифига кўра, туризм бу – туристлар томонидан амалга оширилувчи, аниқ белгиланган туристик мақсадларга эга оммавий саёҳатлар туридир.

Жумладан, Александрова (2002) «Кишиларнинг доимий турар жойлари ва ишларидан фарқланувчи жойларга етиб келиши ва жойлашиши вақтида юзага келадиган муносабатларва ҳодисалар йиғиндиси туризмдир», - деб таъкидлаб ўтган.

Тишуков (2007) эса “Туризм – мамлакат фуқаролари, хорижлик фуқаролар ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг доимий турар жойларидан соғломлаштириш, танишиш, касбий- ишбилармонлик, спорт, диний ва бошқа мақсадларда вақтинча яшаб турган мамлакатига ҳақ тўланадиган фаолият билан банд бўлмаган ҳолда вақтинчалик саёҳатларидир”, - деган фикрни билдиради.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим хорижий ва маҳаллий олимлар туризмнинг жадал тараққиёти алоҳида тармоқ ҳолидаги индустриядир, деган фикрларни олға суришмоқда.

Тишуков (2007) ўз рисоласида “Туризм индустрияси – бу меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, дам олиш объектлари ва воситалари, танишиш, ишбилармонлик, соғломлаштириш, спорт ва бошқа мақсадлардаги объектлар, туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек, экскурсия хизматлари ва гид-таржимонлар хизматининга етувчи ташкилотлар тўпламидир”, - деб эътироф этган.

Биржаков (2014) эса “Туристтик хизмат – туризм мақсадлари, туристик хизматнинг йўналиши ва табиати, туристик маҳсулотга жавоб берувчи, умуминсоний ахлоқ ва тартиб тамойилларига мос келувчи экскурсант ёки туристнинг эҳтиёжларини таъминлаш ва қаноатлантиришга йўналтирилган хизмат кўрсатиш соҳасидаги мақсадларга йўналтирилган ҳаракатлар йиғиндиси”, - деган фикрни билдиради.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқот ишида билиш назариясининг мантиқий ёндашув, индукция ва дедукция, қиёсий ва омилли таҳлил, замон ва макон, таққослаш, монографик кузатиш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тарихан Буюк Ипак йўлининг муҳим туташ нуқтаси бўлган Самарқанднинг бугунги кунда «Учинчи Ренессанс» концепцияси доирасидаги трансформацияси туристик оқимларни жадаллаштириш ва туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш учун қулай шароит яратмоқда. Моддий ва номоддий маданий меросни асрашга қаратилган кенг қўламли дастурлар, таълим ва илмий салоҳиятни ривожлантириш, шунингдек халқаро маданий-гуманитар ташаббусларга интеграция жараёнлари туристик-рекреацион салоҳиятни баҳолашда тизимли, кўп омилли ва миқдорий ўлчаш имкониятига эга методлардан фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ҳозирги вақтда туризм ва рекреациянинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини, улар томонидан бажариладиган функцияларнинг кўп қиррали жиҳатлари орқали ифодалаш мумкин:

– иқтисодий жиҳатдан мамлакатларнинг тўлов балансидаги экспорт-импорт операциялар моддаси, нафақат, ҳудудий, балки давлат даражасидаги даромадлар манбаи, инвестицион фаолиятни рағбатлантириш, янги хўжалик объектларни яратиш, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига кўмаклашади ва бошқалар;

– ижтимоий жиҳатдан туризм ва рекреация инсон психофизиологик хусусиятларини қайта тиклаш воситасида аҳолининг ижтимоий кафолатлари, хусусан, дам олиш ҳуқуқининг таъминланишини амалга оширишда намоён бўлади. Туристтик-рекреацион хизматлар истеъмолчилари учун ушбу тавсифларни сақлаган ҳолда туризм индустрияси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг қудратли воситасига айланди;

– янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш, анъанавий марказлардан узоқ бўлган ҳудудларни ривожланиш жараёнларига жалб қилиш (тоғли, қишлоқ ва бошқа туманлар), аҳоли турмуш даражасини ошириш;

– экологик жиҳатдан аввал туризм экологик хавф-хатар омили ҳисобланган, ammo ҳозир экотуризмнинг замонавий талаблари асосида у атроф муҳитни сақлаш ва қайта

тиклаш воситасига айланди. Табiiй-ресурс салоҳияти туристик-рекреацион фаолият учун асос ҳисобланади ва бошқа ресурс турларидан, уни истеъмол қилиш усулларига юқори сезувчанлик билан ажралиб туради;

– тиббий-биологик жиҳатдан тўлиқ дам олишни таъминлаш, организмнинг функционал вазибаларини тиклаш, психоэмоционал ва стресс юкламаларини туширишни таъминлаш жараёнларида туризм ва рекреация асосий ўринни эгаллайди. Айниқса, соғлом турмуш тарзи, фаол дам олиш турларининг оммалашини обрўининг шаклланишида асосий рол ўйнайди;

– маданий жиҳатдан постиндустриал жамият одамининг ўзини ривожлантириш, атроф-муҳит ҳақидаги билимларини кенгайтириш, шахсий эҳтиёжларини реализация қилишга интилиш замонавий саёҳатчининг асосий мақсадига айланмоқда. Туристларнинг дунё халқлари ҳаёти ва ривожланишининг маданий, тарихий, этник хусусиятларига бўлган қизиқишининг ўсиши, сиёсий тўсиқларнинг олиниши маданий ва шахслараро алоқаларни мустаҳкамлашга имкон бермоқда. Туристларни жалб қилиш объектига айланган тарихий обидалар, миллий анъаналар, ўзига хос маданий ҳодисалар туристик-рекреацион ресурсга айланиб, иқтисодий қийматга эга бўлмоқда;

– интеграция жиҳатдан – туристларни ўзига хос эҳтиёжлар ва хатти-ҳаракат хусусиятлари билан алоҳида ижтимоий гуруҳга ажратиш, ҳаракатланиш эркинлигини кенгайтириш, туристик расмиятчиликнинг соддалашуви уларни чегарасиз дунёга хос миллатдан ташқари, давлатдан устун жамоа сифатида қараш имконини яратмоқда.

Ўзбекистоннинг жуғрофий туристик салоҳияти мутахассислар томонидан мажмуали баҳолашда унинг юқори даражада эканлиги (58,7%) ҳамда хорижий ва маҳаллий туристлар учун туристик ҳудудларнинг ўта жозибадорлиги аниқланди. Яъни, Ўзбекистоннинг ярмидан ортиқ табiiй ва ландшафт ресурсларидан турли туризм турларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин. Таққослаш учун асосий туризми ривожланган мамлакатларнинг салоҳиятини аниқловчи кўрсаткичларини келтирамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Асосий туризми ривожланган мамлакатларнинг салоҳияти

Мамлакат	Туристтик салоҳият, %
Ўзбекистон	58,7
Россия	55,8
Германия	50,0
Франция	50,0
Испания	50,0
Италия	49,0
Туркия	38,4
Греция	35,0

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аммо, туристик салоҳиятнинг юқори кўрсаткичларига қарамасдан мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига унинг таъсири анча паст. Шу туфайли бугунги кунда унинг ЯИМ улушини аниқлашда Ўзбекистон туристик-рекреацион салоҳиятини миллий ҳисобатлар тизимининг меъёрларида тармоқлараро ва халқаро таққослаш имконини берадиган баҳолаш методларини амалга ошириш туризм соҳасида долзарб масала бўлиб турибди. Бугунги кунда туризмни статистик баҳолашнинг мажмуавий тизимини яратиш учун туристик маҳсулотга талаб ва таклиф томонидан олинадиган маълумотларни гуруҳлаштиришга имкон берадиган статистик шаклларни яратиш

масаласи фанда ва амалиётда кўп қиррали ва мурракаб жараён эканлиги маълум бўлмоқда.

Худудий объектнинг ресурслар имкониятларидан фойдаланиш даражасига таъсир этувчи туристларни қабул қилиш салоҳиятини албатта эътиборга олиш зарур бўлади. Худуднинг қабул қилиш салоҳияти – бу маҳаллий ресурсларга жиддий зарар кўрсатмасдан ҳамда саёҳатдан салбий таъасуротларсиз ва маҳаллий аҳолига ижтимоий-иқтисодий муаммолар келтирмайдиган ҳолатда объектнинг юқори даражада бардош бера оладиган максимал юкмасига айтилади.

Худуднинг ресурс салоҳияти – бу жамиятдаги ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олувчи кўп қиррали тушунча ҳисобланади. Уни аниқлашда иқтисодий, экологик ва ижтимоий жиҳатларни ҳисобга олиш зарур. Уларнинг бир қисми бевосита худуднинг туристик ресурсларини, бошқаси минтақада туризмни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига киради.

Кўрсатилган салоҳиятни баҳолашда баъзи услубий ёндашувларни кўриб чиқамиз. Улардан биринчиси бўлиб худуднинг туристик ресурслари кадастрини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Мазкур кадастрни ишлаб чиқишдан асосий мақсад турли минтақаларда туризмни ривожлантириш учун барча омиллардан янада самарали фойдаланиш йўллари аниқлашдан иборат. Бунинг учун кадастрда туристик ресурсларнинг мажмуали тавсифи мавжуд бўлиши керак, унда сифат ва миқдор жиҳатдан ўзлаштиришни баҳолашнинг иқтисодий самарадорлиги, батафсил ҳисобга олиниши керак бўлган омиллар, уларнинг таснифи, фойдаланиш таҳлили ҳамда унинг асосий истиқболлари ҳамда туристик-рекреацион ресурслар муҳофазаси бўйича муҳим тадбирлар бўлиши лозим.

Кадастрни тузишда уни ишлаб чиқиш бўйича умумий қуйидаги тамойилларга риоя қилинади: яхлитлик, объективлик, узлуксизлик ва кўргазмалли бўлиши.

Худуднинг ресурс салоҳиятини баҳолашда самарали усул бўлиб, жаҳон амалиётида туристик ресурсларни мониторинги ҳисобланади, бундай турдаги мониторинг ўтказиш учун компьютерли геоахборот тизимларидан фойдаланилади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг жуғрофий ва табиий туристик салоҳияти халқаро миқёсда рақобатбардош даражада шаклланган бўлиб, айрим ривожланган туризм мамлакатлари кўрсаткичларига яқин ёки ундан юқори ҳисобланади. Бироқ салоҳиятнинг мавжудлиги унинг иқтисодий натижага айланишини автоматик равишда таъминламайди. Шу боис туристик-рекреацион ресурсларни самарали баҳолаш, улардан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва худудлараро таққослаш имконини берадиган интеграл кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш зарурати юзага келади. Бундай комплекс баҳолаш эса турли омиллар ва параметрларни илмий асосланган ҳолда саралаб олишни, уларнинг ўзаро таъсир даражасини ҳисобга олишни ҳамда ҳар бир кўрсаткичнинг нисбий аҳамиятини белгилашни талаб этади.

Кўрсаткичларни саралаб олишда муҳим ўрин иқтисодий вазифаларни ечиш учун қарорлар қабул қилишда уларнинг ҳар бирини нисбий аҳамиятини аниқлашга берилади. Бироқ шуни қайд қилиш керакки, танлаб олинган омиллар таъсир доирасининг ҳар хиллиги сабабли етарли бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли турли омиллар учун турли вазинликдаги кўрсаткичлар ёки аҳамиятлилик коэффицентини қўллаймиз. Шу мақсадларда параметрларнинг ҳар бир блоки учун мос равишдаги аҳамиятлилик коэффицентини юритамиз. Вазинлик коэффицентлари у ёки бу танлаб олинган кўрсаткичнинг муҳимлигидан, баҳоланадиган худудни таққосланишидан келиб чиқиб, эксперт сўровномасини ўтказиш методи орқали аниқланади. Эксперт сифатида “Ўзбектуризм” МКнинг туризм бўйича Самарқанд филиали бошқарув ходимлари, бўлим мутахассислари ва вилоят ҳокимиятининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича мутахассислари иштирок этиши мумкин.

Вилоятдаги туманларни даражали баҳолаш заминда туристик-рекреацион фаолият объектлари ва туристик-рекреацион фаолиятнинг структура кўринишлари кўйилган. Замонавий ёндашувларда у турист томонидан амалга ошириладиган саёҳатнинг бош мақсадига боғлиқ равишда кўриб чиқилади. Рекреация мақсадига боғлиқ равишда туристик-рекреацион фаолиятнинг тури ажратиб кўрсатилади, уларнинг ҳар бирининг тавсифи ва баҳолаш меъзони мавжуд (2-жадвал).

2-жадвал

Минтақалардаги туристик-рекреацион фаолиятнинг турлари

Туристтик-рекреацион фаолият тури	Тавсиф	Баҳоланадиган меъзон
Маданий-танишув	Тарихий-маданий жойлар ва диққатга сазовор архитектура ёдгорликлари билан танишиш мақсадида саёҳат уюштириш.	Ноёб тарихий-маданий ва архитектура объектлари ҳамда инсоннинг бу қадриятларга бўлган қизиқиши.
Даволаниш-соғломлаштириш	Соғломлаштириш, даволаниш ва дам олиш мақсадида туризмни амалга ошириш.	Дам олиш ва даволаниш учун шарт-шароитлар (географик, иқлимий ва юқори малакали хизмат кўрсатиш). Гидроминерал ресурсларнинг мавжудлиги.
Экологик	Табиий ландшафтлар, хушманзара жойлар ва табиат ёдгорликлари билан танишиш мақсадида саёҳатни амалга ошириш.	Ноёб табиий объектлар ва экологик тоза табиат зоналарининг мавжудлиги.
Ишга доир	Бизнесменларни иш мақсадлари билан илмий конференциялар ва семинарларга ташриф буюриши.	Ишга доир ва илмий ҳамкорлик қилиш объектларининг мавжудлиги.
Зиёрат	Диний мотивациялари мавжуд саёҳатлар	Зиёратчилар учун қутлуғ, муқаддас, улуғ, илоҳий, азиз (диний маросимларни амалга ошириш учун) жойларнинг мавжудлиги.
Воқеали туризм	Жойлардаги йирик тадбирларга иштирок этиш мақсадида туристларнинг ташрифи.	Турли тадбирларни ташкил этиш (наврўз, қовун сайли, турли фестиваллар)
Спорт туризми	Спорт мусобақаларига иштирок этиш ва дам олиш мақсадида саёҳатни амалга ошириш.	Спорт объектлари ва қурилмаларининг мавжудлиги.
Қишлоқ туризми	Қишлоқ шароитлари билан танишиш ва қишлоқ жойларда дам олиш мақсадида саёҳатни амалга ошириш.	Қишлоқ уйларига шаҳар фуқароларининг дам олиш мақсадидаги ташрифи ва у ердаги шарт-шароитлар.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Бажарилган туманлар таснифига таяниб, уларда туристик-рекреацион объектларнинг мавжудлиги бўйича даражали баҳолашни амалга оширамиз, шу билан бирга ҳудуднинг туристик-рекреацион салоҳиятини ва шу асосда келиб чиқадиган вилоят туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имкониятларини аниқлаймиз. Вилоятдаги туманларда мавжуд туристик-рекреацион фаолият объектларини даражали баҳолаш 3-жадвалда келтирилган.

**Самарқанд вилоятидаги туманларнинг туристик-рекреацион фаолияти
мавжудлиги бўйича объектларини даражали баҳолаш**

Самарқанд вилояти туманлари	Туристтик-рекреацион объектларнинг турлари бўйича мавжудлиги					Даражали баҳолаш шкаласи	
	Маданий-танишув	Дам олиш ва соғломлаштириш	Экологик туризм	Ишга доир туризм	Зиёрат туризми	Туризм сифати	Баалар
Булунғур	+			+	+	Ўртача	3
Жомбой			+		+	Паст	2
Иштихон	+			+	+	Ўртача	3
Каттакўрғон	+	+	+	+		Юқори	4
Нарпай			+		+	Паст	2
Нуробод	+	+	+		+	Юқори	4
Оқдарё		+			+	Паст	2
Пайариқ			+	+	+	Ўртача	3
Пастдарғом	+			+		Паст	2
Пахтачи	+				+	Паст	2
Самарқанд	+	+	+	+	+	Жуда юқори	5
Тайлоқ	+		+	+	+	Юқори	4
Ургут	+	+	+	+	+	Жуда юқори	5
Кўшробод					+	Жуда паст	1

Танлаб олинган ва бажарилган интеграл иқтисодий-географик районлаштириш меъзонлари туристик-рекреацион хизмат кўрсатишнинг юзага келган ҳолатини объектив аниқлашга имкон берди.

Хулоса ва таклифлар.

Туристтик оқимларни кенгайтириш учун ҳудудий объектлари қулай шарт-шароитлари бўлган Каттакўрғон, Нуробод, Самарқанд, Ургут ва Тайлоқ туманлари туристик-рекреацион салоҳиятининг юқорилиги билан ажралиб туради. Ажратиб кўрсатилган туманларни ривожлантириш туризм соҳасидан олинадиган даромадларни ҳисобга олган ҳолда ва унинг заминида амалга оширилиши керак бўлади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон шароитида туристик-рекреацион салоҳиятни самарали баҳолаш усулларини тадқиқ этиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки бундай ёндашув ҳудудий ривожланишнинг устувор йўналишларини илмий асослаш, туристик ҳудудларнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш ҳамда туристик-рекреацион ресурслардан барқарор ривожланиш тамойиллари асосида оқилона фойдаланиш имконини беради.

Адабиётлар/ Литература / Reference:

Islamovna U. Z. (2022) Development of tourist and recreational cluster of Samarkand region and its impact on domestic business //European Multidisciplinary Journal of Modern Science. – T. 4. – C. 39-44.

Islamovna U. Z., Toirxonovna A. M. (2020) Development of the tourism and recreation complex as an effective lever for the restoration of the tourism sector in Uzbekistan after the pandemic //Solid State Technology. – T. 63. – №. 4. – C. 5193-5206.

Александрова А.Ю. (2002) Международный туризм. Учебник. –М.: Аспект Пресс, 470 с.

Биржаков М.Б. (2014) Введение в туризм. –М–СПб.: «Издательский Дом ГЕРДА», НП «Издательство «Невский Фонд», - 544 с.

Винокуров М.А. (2004) Что такое туризм?/научная статья- www.dissercat.com

Тишуков Ю.В. (2007) Потребитель на рынке туристических услуг. –Ростовна-Дону: Феникс, - 4 с.

Тўхлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. (2010) Туризмни режалаштириш. Дарслик. –Тошкент, «Иқтисодиёт-молия» нашриёти. - 254 бет.